

**ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ КАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АМАЛИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ
КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ**

Р.БЕГЛИЕВ

**ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ПЕДАГОГ В
МУРАББИЙЛАРИ УЧУН**

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР



УРГАНЧ – 2006 ЙИЛ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Вилоят Халқ Таълими
Бошқармаси Бошлиғи**

_____ **С.Шарипов**

«___» _____ **2006 й.**

**Вилоят халқ таълими педагог ходимларни
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
институтининг 2006 йил апрел ойидаги
илмий-услубий кенгашида
ТАСДИҚЛАНГАН**

_____ **Б.Ю.Султанов**

«___» _____ **2006 й.**

***ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ КАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ***

***АМАЛИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ
КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ***

Р.БЕГЛИЕВ

***ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ПЕДАГОГ ВА
МУРАББИЙЛАРИ УЧУН***

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

УРГАНЧ – 2006 ЙИЛ

Тақризчилар:

Б.СУЛТАНОВ

*Вилоят халқ таълими педагог
ходимларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти
ректори*

Т.СОТЛИҚОВ

*Вилоят халқ таълими педагог
ходимларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти
кафедра мудири, профессор.*

*Компьютерда
саҳифаловчи:*

Ф.АСҚАРОВ МЎХММ
дастурларни мувофиқлаштирувчи

ОРОМГОХЛАРДА ИШЛАЙДИГАН ХОДИМЛАРГА ҚУЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ

Оромгох бошлиғи:

Болалар соғломлаштириш оромгохига умумий раҳбарлик қилади, барча бўлинмалар ва хизматлар фаолиятини ташкилий, тиббий - педагогик ва маданий - оммавий ишда юксак самарадорликга эришишга йўналтиради.

Малакасига оид талаблар:

Олий маълумот, камида беш йиллик педагогик иш стажи, болалар соғломлаштириш оромгохларида камида икки йиллик иш стажи бўлиши керак. Аёллар учун 55-ёш, эркеклар учун 60-ёшгача.

Катта етакчи:

Оромгохтаги болалар жамоаси, ўз - ўзини бошқариш органлари фаолиятини ташкилий жихатдан таъминлайди, олиб борилаётган ишларнинг тарбиявий, ғоявий ах лоқий, мазмун - мақсадларга мувофиқ бўлишини назорат қилиб боради.

Малакасига оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус - педагогик маълумотли бўлиб камида беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлиши керак. "Оромгохта болалар билан таълим - тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг методикаси ва амалиётини яхши билиши керак. Ёши 40 ёшгача.

Катта тарбиячи:

Оромгохта тарбиявий ишларнинг барқарор ва бир тизимда бўлишини ташкилий жихатдан таъминлайди. Оромгох педагогика кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади, мажлислар баёнларини олиб боради, барча педагогика бўғинлари: гуруҳлар, тўғараклар кутубхона спорт секциялари ишини биргаликда режалаштиради, қилинган ишларни ҳисоб - китоб қилиб боради. Оромгох иш тартибини бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус педагогик маълумот. Камида беш йиллик педагогик иш стажи. Болалар соғломлаштириш оромгохида камида 2 йиллик иш стажи бўлиши керак. Ёши-45 гача.

Гуруҳ тарбиячиси:

Ўзига топширилган гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиги учун юридик ва ахлоқий жихатдан жавоб беради. Гуруҳнинг ҳар кунги иш режасини амалга оширади, унда гуруҳ ва болалар билан боғлиқ барча тарбиявий тадбирларни (уйғотиш, эрталабки бадан тарбия машқлари, хоналарни тозалаш, болалар билан

тарбия мавзусида суҳбатлар ўтказиш, нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат, ётиш) ўтказилади.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус, педагогик маълумот, педагогик стаж камидан беш йил, болалар оромгоҳида камидан 2 йил иш стажига эга бўлиши ва оромгоҳда болалар билан тарбиявий ишни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини билиши керак.

Гуруҳ етакчиси:

Катта тарбиячи билан бирга гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиги учун ҳам юридик ҳам ахлоқий жихатдан жавоб беради. Соғломлаштириш мавсумида оромгоҳ олдида турган тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун, болалар, болаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда гуруҳнинг кундалик иш режасини тузиб чиқади ва унинг бажарилишини назорат қилади, гуруҳ бурчагини кўргазмалар қуроллари билан безайди, жихозлайди, гуруҳ-ҳаётига оид маълумотларни тўплайди, болалар жамоаси, отряд ва унинг ҳар бир аъзосининг кундалик ишдаги иштирокига яқин ясайди.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус иложи борича, педагогик маълумотли бўлиб, оромгоҳда камидан бир йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

Тиббиёт ходимлари:

Болаларни оромгоҳга қабул қилишдан олдин оромгоҳни қабул қилишда албатта иштирок этадилар. Болалар ва барча хизмат кўрсатувчи ходимлар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қиладилар.

Малакага оид талаблар:

Олий маълумотли шифокор, иложи борича болалар шифокори, тиббиёт бўйича иш стаж камидан уч йил. Хамшира - ўрта махсус маълумотли бўлиб, оромгоҳда камидан икки йил ишлаган бўлиши керак.

Жисмоний тарбия инструктори:

Жисмоний тарбия фаоллари билан биргаликда жисмоний тарбия - оммавий тадбирлар режасини тузиб чиқади ва уни амалга оширади. Ҳар куни эрталабки бадан - тарбия машғулотини ўтказилади. Тадқиқланган иш режасига асосан оромгоҳ спартакиадасини гуруҳлараро турнирлар, учрашувлар ўтказилади.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус маълумотли бўлиб, сопртнинг бирор тури бўйича разрядга эга бўлиши, педагогик камида уч йил, болалар оромгохларида иш стажи камида бир йил бўлиши керак.

Тўғарак рахбари:

Тегишли йўналишдаги тўғарак аъзолари билан машғулоти юқори методик савияда ўтказилади. Тўғаракнинг бутун мавсум (мавсум) давридаги ва хар кунги иш режасига эга бўлади ва ўқув дастурининг бажарлишини таъминлайди. Болаларнинг якка қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлаштириш, севган иши билан шуғулланиши, ўз кучлари ва махоратларини синаб кўриш учун шарт - шароит яратиб беришда етакчи ва тарбиячиларга ёрдам беради.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус маълумот. Болалар оромгохларидаги бўлиб иш стажи камида бир йил бўлиши керак.

Кутубхоначи:

Тўғарак рахбарларига юклатиладиган вазифалардан ташқари у гуруҳларда болалар билан китобга оид тадбирларни ташкил этиш, конференциялар, мунозаралар, адабий кечалар ўтказиш, кўрғазмалар ташкил этиш ва деворий газеталар чиқариш учун маъсулдир.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки ўрта махсус мулумотли, педагогик иш стажи ёки кутубхонадаги иш стажи камида бир йил бўлиши керак.

Муסיқа рахбари:

Тўғарак рахбарлари зиммасига юклатилган вазифалардан ташқари қуйидагиларни бажаради: отряд тадбирларини ўтказиш, муסיқа кечаларини ўтказиш, ашула фестивали ва кўрик-танловларини ўтказиш учун маъсулдир.

Малакага оид талаблар:

Олий ёки махсус (муסיқа) маълумотига эга бўлиб камида бир йил иш стажи бўлиши керак.

Оромгохта тарбиячи ходимлар ва болалар қаттиқ интозоми, бажарилиши мажбурий бўлган кун тартиби, ички тартиб қоида ва иш режаси бўлиши керак.

Педагог тарбиячилар болалар билан оромгох худудидан оромгох бошлиғи ёки бош тарбиячи, бош етакчи рухсати билан чиқадилар.

ОРОМГОҲ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ёз ойлари болаларнинг дам олишлари учун соз ва қулайдир. Демак таътил ойларини ёзги соғломлаштириш масканларида ўтказишга аҳд қилган ўғил қизларимизнинг мароқли, мазмунли дам олишларини ташкил этиш халқ таълими фидоийларининг саъй ҳаракатларига боғлиқдир.

Оромгоҳларда қайноқ дамлар бошлангунга қадар, оромгоҳда иш олиб бориши лозим бўлган ҳар бир педагог ўз устида мустақил иш олиб бориши яъни болалар билан иш олиб бориш жараёнида ёрдам берувчи муҳим ҳужжатлар, қарорлар ва тавсиялар билан яқиндан танишган бўлиши зарур. Булар, «Таълим тўғрисидаги қонун», «Мақтадан ва синфдан ташқари ишлар тарбиявий ишлар концепцияси», «Болалар соғломлаштириш оромгоҳи тўғрисида Низом», «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг лавозим вазифалари тўғрисида инструкция», «Ўзбекистон болалар ташкилоти Низоми ва фаолият йўналишлари» ҳамда «2005-2006 укув йили Таълим муассасалари, оила, мактаб ва маҳала ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш укув йили дастури» ва «Хомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури каби ҳужжатлардир. Айниқса «Хомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

1. Саломатлик байрам тадбирларини ўтказиш.
2. Тиббиёт ходимлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва савол жавоб кечаларини ўтказиш.
3. Оромгоҳ қошида ёш биологлар, ёш табиатшунослар, ёш экологлар ва ёш шифокорлар тугаракларини ташкил этиш.
4. Саломатлик мавзусида расмлар, баёнлар, иншолар курик танловларини ўтказиш (масалан: диарея, сил, ОИТС ва бошқа касалликларни олдини олиш мавзуларида)

Ушбу ҳужжатларга асосланиб оромгоҳда болалар келгунга қадар мураббийлар жамоаси билан ҳамкорликда III мавсумга мўлжалланган фаолият режаси тузилади. Режа мураббийлар кенгашида муҳокама этилади ва тасдиқланади. Ушбу режа оромгоҳдаги муҳим ва умумий ишларни, асосий йўналишларни аниқлаб берувчи фаолият дастури бўлганлиги сабабли, уни тузаётганда қизиқарли, ранг - баранг тадбирлар билан бир қаторда қарияларни кадрлаш анъаналари, айниқса ўтмиш аждодларимиз ҳаёт йўлини болаларимиз кўз олдида гавдалантириш, уларнинг олийжаноб фазилатлари, ижод йўли билан таништириш билан бир қаторда оромгоҳ анъаналари ва хусусиятлари, турли байрамлар ва саналар мазмуни ҳисобга олиниши лозим.

Оромгоҳнинг умумий режасини ишлаганда шунга эътибор бериш керакки, ёзги соғломлаштириш даврини ўтказиш жараёнида оромгоҳ олдида турган муҳим вазифалар, уч мавсумга мўлжалланган оммавий - ташкилий ишлар, мураббийлар билан ишлаш услублари ва мазмуни, соғломлаштириш оромгоҳи мураббийлари жамоаси, хўжалик ишлари каби бўлимлар ўрин олган бўлиб, тўгараклар, клублар, кутубхона, спорт ишлари ҳам режага илова қилиниши лозим.

Оромгоҳда қуйидаги иш режалари тўлиқ бўлса ишлар янада яхши йўлга қўйилади:

1. Оромгоҳ истиқбол иш режаси;

2. Бош етакчи ёки бош тарбиячи иш режаси;
3. Гуруҳ етакчилари ва тарбиячиларнинг иш режаси;
4. Тўғарак раҳбарларининг шахсий фаолият режаси;
5. Оромгоҳ болалар жамоаси ва гуруҳларнинг бир мавсумга мўлжалланган ойлик режаси;

Болалар жамоасининг ойлик режаси, гуруҳларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб переспектив режада кўрсатилган вазифалар асосида тузилади.

Шунингдек гуруҳларнинг ойлик режасини тузишдан олдин, гуруҳ аъзоларининг кизиқишларини, интилишларини мулоқотлар пайтида аниқлаб, ҳисобга олган ҳолда тузилса иш унуми яхшироқ, таъсирчанроқ ва самарали бўлади.

Шундай қилиб гуруҳларнинг ишлари ва тадбирларини тахминан қуйидаги тарзда тузиш мумкин:

№	Мавсумга мўлжалланган ишлар мазмуни	Ўтказиш муддати	Ўтказиш жойи	Жавобгар шахс	Эслатма ёки изоҳ

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари тарбия ишлари мазмунини белгилашда болаларнинг соғломлаштириш ва тарбиялаш жараёнида маънавий ахлоқий ва миллий удумларни, инсоний ўзаро муносабатлар каби бебаҳо сифатларни шакллантиришни асосий вазифа қилиб олиши лозим. Шунингдек, тарих сабоқларини болалар кўз ўнгида гавдалантира олиш мақсадида оромгоҳда ўтмиш авлодларимиз ҳаёт йўли, уларнинг олийжаноб фазилатлари, ижод йўли билан таништириб боровчи тадбирлар кўламини кенгайтиришимиз ҳам зарур. Бунда асосан буюк

алломаларимиз саркарда ва бобокалонларимизнинг ҳаёт саҳифаларини ёритувчи турли кўринишдаги тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлар, радиорўзномалар, деворий рўзномалар ва кўргазмалар ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсадда ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия этамиз.

Аввало, оромгоҳларнинг ташқи жиҳатдан безатилишига эътибор берилиши лозим. Унинг номидан тортиб, айвон, бассейн, ошхона, ўйин майдончалари, кутубхона, стадион, ҳамма - ҳамма жойга зарурий шиорлар, донишмандларимизнинг таълим - тарбияга оид ўғит - насиҳатлари, ибратомуз ҳикматлар дид ва эстетик завқ билан ёзилиб қўйилса, бу ҳам тарбиявий мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунингдек оромгоҳда дам олувчи ўқувчи ёшларни миллий - маънавий қадриятлар, маданий меросимиз, халқ педагогикаси, тарихий қаҳрамонлар ва алломаларимизга меҳр - мухаббат руҳида тарбиялаш ҳам энг биринчи галдаги вазифа бўлиши лозим.

Соғломлаштириш оромгоҳлари болаларда янги жой, янги дўстлар даврасида ўзлари ёқтирган машғулотлари билан банд бўлишлари, уларнинг техника билан шуғулланишлари моделлаштириш, расм чизиш, мусиқа, табиатшунослик ва спорт машғулотлари бўйича ўз қобилиятларини синаб кўриш имкониятини беради.

Шунинг учун соғломлаштириш оромгоҳларида қисқа вақт ичида кўп сонли болаларни ижодиётнинг турли хил кўринишлари бўйича билимлар билан топиштириш учун оромгоҳларда турли - туман тўғараклар, клублар ва спорт шубҳалари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Сир эмаски, ўқувчи ёшлар турли касб - ҳунарларга жуда қизиқишади. Шунинг учун маҳаллий имкониятга қараб, оромгоҳларда касбга оид тўғараклар очиб қўйилса, болаларнинг шуғулланишлари учун шароит яратиб қўйилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Спорт - соғломлаштириш, бадий - эстетик, ижодий, касб - ҳунар каби йўналишлар бўйича алоҳида - алоҳида тўғараклар очиш лозим. Тўғарак машғулотларини куннинг биринчи ярми ва иккинчи ярмида бир вақтда, ёппасига ўтказиш вақтнинг тежалишига имкон беради.

Ҳар бир тарбиячи, етакчи кам деганида бир тўғаракка раҳбар бўлиши шарт. Оромгоҳдаги тўғарак раҳбарлари машғулотлар учун зарур шароитлар яратадилар: ҳар бир дам олиш даври учун режа тузадилар, машғулот ўтказиш хоналари, зарур материаллар, қурол аслоҳалар, кўрғазмали қуроллар, техника воситалари билан таъминлайдилар. Тўғарак ишларини тарғиб қилиш, тўғаракларга ўқувчиларни жалб қилиш ишларида гуруҳ етакчилари тарбиячиларга ёрдам берадилар. Оромгоҳда тарбиячи, етакчи, оромгоҳ бошлиғи ўзаро ҳамкорликда турли хил байрамлар, мусобақалар, кўрик - танловлар, концертлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказадилар.

Оромгоҳларнинг маҳаллий шароит ва имкониятлари педагогик ҳодимлар ва тегарак раҳбарларининг билим ва малакалари ҳамда оромгоҳда дам олаётган ўқувчи ёшларнинг ёшлик хусусиятлари, қизиқишлари ва маҳоратларига қараб, ёзги оромгоҳларда халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат ва мустақил ижод қилиш бўйича қуйидаги тўғараклар ишлаши мумкин:

1. Ганж, ёғоч ва тош ўймакорлиги;
2. Ёғочга турли хил безаклар чизиш;
3. Минятура санъати (қоғозга, териға, газлама ва қовоққа шакллар чизиш);
4. Қоғоздан, дарахтдан, чиннидан, сополдан ва қамишдан ўйинчоқлар ясаш;
5. Енгил ўйинчоқлар ясаш.
6. Сават ва идишларни сомондан ясаш;
7. Тўқиш;
8. Халқ рақси;
9. Техник моделлаштириш;
10. Экологик кулуб;
11. Ватанпарварлик;
12. Ўлкашунослик ва сайёҳлик клуби;
13. Халқ оғзаки ижоди;
14. Аскиячилар клуби;
15. Мусиқа ва кўғирчоқ театри клуби;
16. Ёш ижрочилар клуби (кушиқлар, лапар, сахна, ракс устаси, шеър, ёзувчи ва х.к.)

Ёзги оромгоҳларда қуйидаги спорт ва жисмоний тарбия машғулотларини олиб бориш мумкин

1. Футбол.
2. Миллий кураш.
3. Қиличбозлик.
4. Дарбозлик.
5. Баскедбол.
6. Кўл тўпи.
7. Стол тенниси.
8. Шахмат.
9. Валејбол.
10. Сузиш.
11. Шашка.
12. Югуриш, сакраш.
13. Арқонга чиқиш.
14. Чим устида хаккей.
15. Карате.
16. Гимнастика.
17. Умбалоқ отиш.

Мавсумда оромгоҳ бўйича ёки гуруҳлараро катта спорт байрамлари, ўйин ва мусобақалар ўтказилиши лозим.

Оромгоҳлардаги барча турдаги тўгараклар ҳар бир тўгарак аъзосини фойдали ишга ундайди. Бу ишларнинг муваффақияти кўпроқ тўгарак раҳбари ва бош етакчининг уддабиронлигига, тўгарак ишларининг оқилона, намунали ташкил этилишига, кун тартиби тўғри тақсимланишига, оромгоҳ ҳаётини тўғри олиб боришга боғлиқдир.

Тўгарак дастури 6 та машғулотга мўлжалланган бўлиб (ҳафтада 2 марта) ҳар бир машғулот икки академик соат мобайнида давом этади. Тўгаракда турли ёшга мансуб болалар қатнашиши мумкин, лекин тўгарак турларида болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар ўтказилиши лозим. Биз қуйида болалар дам олиш оромгоҳларида тўгаракларини режалаштириш ва ташкил қилиш бўйича тавсияларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жамоа бўлиб (хор) куйлаш тўгарагининг намунавий режаси.

№	Мавзулар	жами соат	назарий	Амалий
1.	Кириш. Овозларни аниқлаш	1	0.5	0.5
2.	Ашулла айтадиган овоз ҳақида	1	0.5	0.5
3.	Куйлаш қоидалари ҳақида	2	0.5	0.5
4.	Жамоа бўлиб куйлаш саъати	1	0,25	0,75
5.	Жамоа бўлиб куйлашда мусиқа жанрларидан фойдаланиш	1	0,25	0,75
6.	Ўзбек оммавий кўшиқлари	2	0,5	1,5
7.	Икки овозда куйлаш	2	0,5	1,5
8.	Оромгоҳларнинг ёпилиш байрамига тайёргарлик кўриш	2	-	2
	ЖАМИ:	12	3	9

«Оммавий ўйинлар» тўғарагининг намунавий режаси.

№	Мавзулар	Жами соат	назарий	Амалий
1.	Ўйин турлари ва уларнинг ахамияти	1	1	-
2.	Харакатли ўйинлар ва томошабинлар учун мулжалланган оммавий ўйинлар ва рақслар	5	2	3
3.	Кам харакатли ўйинлар, ашула ўргатиш	3	1	2
4.	Топишмоқлар, виктореналар	1,5	0,5	1
5.	Ўйин атракционлари.	1,5	0,5	1
	ЖАМИ:	12	5	7

Рақс тўғараги учун намунавий режа

№	Мавзулар	Жами соат	назарий	Амалий
1.	Ташкилий ишлар ва эшитиш қобилиятларини текшириш	2	1	1
2.	Кичик рақс харакатлари А)1- холат, 2-холат,3холат	5	-	5
3.	Ўзбек миллий рақсининг 7та асосий қўл, оёқ харакатлари .А) 1-холат, Б) 2-холат , В)3-холат, Г) 4-холат, Д)5-холат Е) 6-холат, Ж) 7-холат	5	-	5
	ЖАМИ:	12	1	11

«Юмшоқ ўйинчоқлар» тўғарагининг намунавий режаси.

№	Мавзулар	Жами соат	назарий	Амалий
1.	Кириш суҳбати	1	1	-
2.	Текис ўйинчоқлар	3	0,5	2,5
3.	Хажмли ўйинчоқлар	7	1	6
4.	Яқуний машғулот	1	-	1
	Жами:	12	2,5	9,5

«Ёш авиамоделчилар» тўғарагининг намунавий режаси.

№	Мавзулар	Жами соат	назарий	Амалий
1.	Кириш суҳбати.	1	1	-
2.	Қоғоздан тайёр моделини яшаш	2	0,5	1,5
3.	Варрак яшаш.	2	0,5	1,5
4.	Қоғоздан тайёр шаклни яшаш	4	1	3
5.	Парашютлар	2	1	1
6.	Яқуний машғулот	1	1	-
	Жами:	12	5	7

Техник моделларни яшаш тўғарагининг намунавий режаси.

№	Мавзулар	Жами соат	назарий	Амалий
1.	Кириш	2	1	1
2.	Штрихлар билан белгиланган Андозалар асосида моделлар яшаш.	3	0,5	2,5
3.	Қоғоздан буклаш орқали моделларни	3	0,5	2,5

	ясашю			
4.	Оддий юрувчи ўйинчоқларни яшаш	3	1	2
5.	Яқуний машғулот.	1	-	1
	Жами:	12	3	9

Оромгоҳларда экологик тарбия.

Оромгоҳлар ўқувчилар ўртасида экологик тарбияни амалга оширишда энг қулай жойдир. Оромгоҳларда жисмоний меҳнатни табиат, она юрт тарихини, маҳаллий шароитни ўрганиш билан қўшиб олиб бориш мумкин. Бу ерда ўқувчилар табиат, унинг қонуниятлари ва уларни ҳимоя қилиш, ўсимлик, табиат бойлиги ва ҳайвонот дунёсига тўғри муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун табиат қўйнига саёҳат қилиш, она юрт табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар, дунёсига ўрганиш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Саёҳлик экскурсияларида изланишлар орқали ўқувчилар жойларни экологик, тарихий маданий ва маҳаллий шароитлари билан танишиб уларга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга ўрганадилар «яъни табиат, ҳайвонлар, сув ҳавзалари ўсимликлар дунёсини авайлаб асрашга ва инсонлар меҳнатини қадрлашга ўрганиб борадилар.

Экологик саёҳатнинг намунавий режаси

№	Мавзулар	Жами соат
1.	Белгилаш, аниқлаш. Саёҳатнинг мақсади ҳақида суҳбат, тайёргарликни текшириш.	1 соат
2.	Машрут бўйлаб ҳаракат.	1 соат
3.	Маданий тарихий жойларга бориш, ҳимоя қилиш.	1 соат
4.	Асосий давонгача йўл юриш, сафардаги тўхташ жойи олдиан аниқланади.	1 соат
5.	Довонда тўхташ. Гулҳан ёқиш, булоққа саёҳат, чиқиндиларга жой тайёрлаш	1 соат
6.	Болаларни қидирув изланиш ишлари. Ўсимлик сув хажми, йиғилган материаллар таҳлили, натижанинг муҳокамаси	1 соат
7.	Дам олиш: ўйин, танлов, мусобақа ўтказиш.	2 соат
8.	Уйга қайтиш	1 соат

Ана шу каби саёҳатларни мавсумда 3 марта ўтказиш мумкин:

Биринчи саёҳат - «Бизнинг маҳаллий шароитимизнинг экологик муаммолари» мавзусида табиатга саёҳат қилгандан сўнг, сунъий сув омбори, шаршараси, дала-боғга, ахлат ташлашган, захарли моддалар бўлган жойларга боришдан бошланади бунда болалар ижобий ва салбий ҳолатни кўриб, инсонларнинг табиатга бўлган муносабатларини кўриб, тўғри хулоса чиқарадилар.

Иккинчи саёҳат - (иккинчи ҳафтада) ўқувчилар табиатнинг инсон қўли билан ўзгартирилмаган жойларига: тоғ ён-бағирларига, дарё бўйларига ўсимликлар оламига борадилар.

Учинчи саёҳат - (учинчи ҳафтада) ўқувчилар табиат ва адабиёт мазмунидаги жойларга шоир ёзувчи ва санъаткорлар ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ бўлган жойларга борадилар.

Маҳаллий-маданий тарихий, адабий ёдгорликларни кўрадилар. Табиат манзараларининг ижодкорлар фаолиятида қандай акс этгани билан танишадилар. Ўқувчилар кўрганлари ҳақида ўз ён дафтарларига қайд этиб борадилар, жойларнинг экологик ҳолатни чизадилар, сувлар ҳолатини аниқлайдилар, об-ҳавони кузатадилар. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг келгусидаги ишлари учун фойдали бўлади.

Оромгоҳларда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳамда улар онгига «Ватан туйғуси» ва «Миллий истиқлол ғояси»ни сингдириш учун турли мавзуларда давра суҳбатлари викториналар ва кўрик-танловлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўтказиладиган тадбирлар қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар, унда ҳалқ маталлари, мақоллари, афсона, ривоятлар, шеър ва қўшиқлар савол ва жавоблардан фойдаланиш ўринлидир. Ўтказиладиган тадбирлар мазмуни болаларнинг ёшига мос ҳолда танланиши жуда муҳимдир. Тадбирлар мавзуси тахминан қуйидагича танланиши ҳам мумкин:

1. Ўзбекистон-Ватаним маним.
2. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
3. Ватан-юрракдаги жавоҳир.
4. Жанатмакон диёр.
5. Туркистон умумий уйимиз!
6. Ватан туйғуси.
7. Ватанни севмок иймондандир!
8. Давлат рамзлари - фахримиз.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
10. Тил-дил кўзгуси.
11. Она-тилим Ватаним рамзи.
12. Тилга эътибор дилга эътибор.
13. Дўстлик билан гўзалдир олам.
14. Истиқлолим истиқболим.
15. Санъатимиз дарғалари.
16. Кино ва театр санъати тарихи лавҳалари.
17. Китоб бизнинг дўстимиз.
18. Ажойибодлар олами.
19. Сув ҳаёт манбаи.
20. Экология ва табиат.
21. Меҳнат меҳнатнинг таги роҳат.
22. Илм бахт калити.
23. Қадимий обидалар тарихимиздан сўзлагай.
24. Соғлигим бойлигим.
25. «Қариси бор уйнинг париси бор».
26. «Қари билганни пари билмас».
27. Устоз отангдай улуғ ва ҳоказа.

Албатта ҳавола этилаётган бу мавзулар намунавий бўлиб, Сиз уларнинг айримларини оромгоҳингиз шарт шароити, хусусияти шунингдек ўз имкониятингизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишингиз мумкин. Биз эса уларнинг айримларини ўтказишда сизга йўлланма бермоқчимиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ»

КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ НАМУНАИЙ С Ц Е Н А Р И Й С И

1-савол: Ватан дегани нима ўзи?

Жавоб: Ватан бу кишининг туғилиб ўсган мамлакати, она юрти, она замини, севмли диёри маскани.

2-савол: Ватан туйғуси нима?

Жавоб: Ватан туйғуси жуда муқаддас тушунчадир. Дунёнинг қай бир гўзал юртига борманг, она юрт соғинчи дилингизни ўртаб, ўзига чорлайди. Ана шу соғинч ва чорлов- Ватан туйғуси, унга бўлган меҳр ва муҳаббатдир. Ватан туйғуси она сути билан киради.

3-савол: «Ватанни севмоқ иймондандир» иборасини сиз қандай тушунасиз ва бу ибора қайси манбада айтилган?

Жавоб: Муқаддас китоб Хадису Шарифда «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилган. Ватан- бу остонадан бошланади. Иймонли, эътиқодли, инсофу адолатли, қалб ҳаракати, ғурури, меҳригиёси бор инсон ўз Ватани - туғилиб ўсган диёри, она юртини севади, тупроғини ўпиб ардоқлайди демак, ҳар бир инсоннинг Ватан туйғуси ва севгиси билан яшай олиши, унинг қалб амри, иймондандир. Демак, Ватанни севмоқ иймондандир. Демак, Ватанни севмоқ ардоқламоқ кўз қорачиғидек асрамоқ керак.

4 савол: Ватанпарварлик нима?

Жавоб: Ватанпарварлик- муқаддас туйғудир. Ватанпарварлик бу ўзини шу ернинг фуқораси деб билган ҳар бир кишининг ўз она Ватанини севиши, Ватан учун жонини фидо қилувчи, шу билан бирга содиқ бўлиши, лозим бўлса уни ҳимоя қилувчи кишиларга нисбатан айтилади. Ватанпарварлик ватанига, халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига, халқига муҳаббатдир.

5-савол: Ватандошлар деб кимларга айтилади?

Жавоб: Бир заминда яшавчи эл элатларга айтилади. Шу билан бирга Ватандан йироқда бўлган ватандошлар ҳам бўлади.

6-савол: Ватангадолар кимлар?

Жавоб: Ватангадолар - ўзватанидан йироқда бўлиб, Ватан туйғуси, севгиси, суви, замини, тупроғига зор бўлиб яшовчилардир.

7-савол: Ватанфурушлар кимлар?

Жавоб: Ватанфуруш деб ўз Ватанини, иймон, эътиқодини, инсонийлигини йўқотиб, арзимас мол-дунё эвазига Ватанини сотувчиларга айтилади.

8-савол: Ватан ҳойини деб кимларга айтилади?

Жавоб: Ўз она диёри, Ватани сирларини Ватан душманига очиб берувчи сотқинларни ва осонликча душман қўлига тушувчиларга айтилади.

9-савол: Мустақил она Ватанимизда «Ватан ҳимоячилари куни» қачон байрам қилинади?

Жавоб: Ҳар йили 14 январда диёримизда «Ватан ҳимоячилари куни» байрам қилинади.

10 савол: «Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ керак», - деб ким айтган ва унинг маъноси нима?

Жавоб: Бу иборани юртбошимиз И.А.Каримов айтган. Бу ибора заминида юксак ватанпарлик ётади.

11-савол: Мен нечун севаман Ўзбекистонни,

Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё

нечун ардоқлайман еру осмонин,

Муқаддас атайман, атайман танҳо,- деб бошланиувчи шеър муаллифи ким?

Жавоб: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Орипов.

12-Савол Ватанга содиқлик нима?

Жавоб: Ватан учун жон фидо қилиш, садоқат билан фидокорона меҳнат қилиш, сеvimли шоиримиз Уйғун айтганларидек, «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» деб яшашдан иборатдир.

13-савол: Ватандан йироқда қолган шоирлар кимлар?

Жавоб З.М.Бобур, З.Холмуҳаммад ўғли Фурқат...

«Фигоним гардиши даврон, аюрди ўз диёримдан...»

14-савол: Она Ватанимиз- Ўзбекистонни мадҳ этган йирик шоирлардан кимларни биласиз?

Жавоб: Х.Олимжон,Чустий,Абдулла Орипов кабилар.

15 савол: Сенинг Ватанинг қаер?

Жавоб: Менинг Ватаним - бу манинг она диёрим, юртим, серқуёш Ўзбекистоним.

16-савол: Ватан мадҳияси матнини ва куйини муаллифлари кимлар?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси матнини муаллифи А.Орипов, ва куйини М,Бурхоновлар ижод этганлар.

17-савол: Ҳамза номли збек давлат Академик театрида юксак Ватанпарварликни мадҳ этувчи қандай спектакл ижро этилади?

Асар муаллифи ва бош ролни ижро этган актёр ким?

Жавоб: Спектаклнинг номи «Қиёмат қарз» деб аталади. Муаллифи Ўлмас Умарбеков. Бош ролни Давлат мукофоти совриндори Ш. Бурхонов ижро этган.

18-савол: Буюк ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг қандай янги мукофотлар тасис этилди ва улар кимларга берилади?

Жавоб: «Жасорат» ва «Шухрат» нишонлари тасис этилди ва бу мукофотлар иккинчи жаҳон уруши фахрийларига берилди.

19-савол: Сен ўз Ватанинг- Ўзбекистони қандай тарифлаган бўлур эдинг?

Жавоб: Мен ўз Ватанимни жаннатга қиёслар эдим. Ўзбекистон! Ўзбеклар диёри, тупроғи зар, ҳосили гавҳар, боғлари кенг-у, меҳри дарё, меҳмондўст, хуш ҳулқли, ширинсухон кишилар юрти, қалбим султони- Ватан!

Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини ўқиб беради.

20-савол: «Ватан» сўзи билан номланувчи қандай Республика матбуот органлари, нашрлар бор?

Жавоб: «Ватанпарвар», «Ватан», «Ўзбекистон овози», «Туркистон» каби газеталар ва «Ўзбекистон» нашриёти бор.

Демак, юқоридаги талаб, таклиф, тавсия ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда оромгоҳ ишларини ташкил қилишни тавсия этамиз.

ОРОМГОҲЛАРДА I-МАВСУМГА МУЛЖАЛЛАШГАН НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАСИ

1-КУН

Болаларни қабул қилиш, ётоқхонага жойлартириш. Оромгоҳ билан таништириш. Болалар билан танишув оқшоми.

2- К У Н

Гурухнинг ташкилий йиғинига тайёгарлик кўриш ва ўтказиш. Гурух номи, кўшиғи, шиорини танлаш. Оромгоҳда ташкил этилган тўғарақлар фаолияти билан танишув ва уларга аъзо бўлиш

3 - К У Н

Оромгоҳнинг очилиш маросимига тайёргарлик ишларини олиб бориш ва унда иштирок этиш. "Салом менинг оромгоҳим, жонажоним масканим" мавсум очилишига бағишланган сайилда иштирок этиш. Гурухнинг кечки йиғини.

4 - К У Н

«Сихат – саломатлик» кунини ўтказиш. Тиббиёт хонасида «Саломатлик маркази»ни ташкил этиш, «Соғлом танда, соғлом ақл» мавзусида гурухлараро спорт мусобақалари, «Соғлом келажак сари» мавзусида расмлар танлови ўтказиш. Гурухнинг кечки йиғини.

5 - К У Н

"Ёзувчилар-болаларга" оромгоҳ кутубхоначисининг суҳбат хикояси. Эртақлар яхшилиққа етаклар. Гурухнинг кечки йиғини.

6 - К У Н

«Ўзбекистоним - Ватаним маним» гурухлараро кўрик-танловини ўтказиш. Вилоят туман ва шаҳарлари тарихига оид суҳбатлар. Гурухнинг кечки йиғини.

7 - К У Н

Гуруҳда спорт ўйинлари бўйича мусобақа ўтказиш. Гурухнинг кечки йиғини.

8 - К У Н

Ўзбекистон Республикаси болалар ташкилотининг Устави ва фаолият йўналишлари бўйича суҳбат. Харакатли ўйинлар ўйнаш. Гурухнинг кечки йиғини.

9 - К У Н

"Конституциямиз-қомусимиз" Конституциямизнинг 14-йиллигига бағишланган кеча ўтказиш. Қонун ва ҳуқуқлар мавзусида баҳс мунозара. Гурухнинг кечки йиғини.

10 - К У Н

Оромгоҳда ўтказиладиган "Спорт байрами" нинг очилиш маросими ва мусобақаларда иштирок этиш. Гурухнинг кечки йиғини.

11 - К У Н

Спорт мусобақаларининг давоми. Байрамнинг ёпилиши. Гурухнинг кечки йиғини.

12 - К У Н

«Ўйла, изла, топ» ёки «Заковат» ўйинлари топқирлар ва билимдонлар мусобақаси. «Сихат – саломатлик йили» га бағишлаб атроф муҳит тарбияси мавзусида тадбир ўтказиш . Гурухнинг кечки йиғини.

13 - К У Н

Табиат қўйнига саёҳат. Доривор ўсимликлар ва гербарий тўплаш. Гурухнинг кечки йиғини.

14 - К У Н

"Нон ризқ-рўзимиз"-адабий мусиқали суҳбат. Нон ҳақида мақоллар, шеърлар ва кушиқлар куйлаш. "Қари билганни-пари билмас" давра суҳбати. Гуруҳнинг кечки йиғини.

15 - К У Н

Тарихий шаҳарларга саёҳат "Дўстлик билан гўзалдир олам" мунозара кеча. Гуруҳнинг кечки йиғини.

16 - К У Н

Оромгоҳнинг якуний тантанали йиғинига тайёргарлик куриш. "Оромгоҳда мен дуст топдим" мунозара. Харакатли ва миллий уйинлар. Гуруҳнинг кечки йиғини.

17- К У Н

«Ўзбек халқининг урф одатлари, маросимлари, байрамлари» Миллий халқ ўйинлари, кўшиқлар мусобақасини ўтказиш. Гуруҳнинг кечки йиғини.

18 - К У Н

Оромгоҳ мавсумининг якуни. «Яхши кол кадрдон оромгоҳим». Болаларнинг оромгоҳдан ташкилий равишда жўнаб кетишини уюштириш.

ЭСЛАТМА: Ушбу режа намунавий бўлиб, уни тўлдириб, кенгайтириб гуруҳ фаолиятига тадбик этиш сизга хавола.

ЁШЛАР РАПОРТИ (БИЛДИРИШ)

1. Бош етакчи опа (ака) Бизнинг (Бутун гуруҳ хор бўлиб) "Абдулла Авлоний" номидаги гуруҳимиз ёшлар оромгоҳининг тантанали очилишига (тайёр), (Эрталабки йиғинга ёки кечкурунги йиғинга) тайёр.

Бизнинг шиоримиз: Тинчлик бўлсин элимизда (Барча хор бўлиб айтишади).

1. Гуруҳларнинг шиорлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) Яшасин мустақил Ўзбекистон.
- б) Яшасин дўстлик
- в) Яшасин тинчлик
- г) Мустақиллик яшасин
- д) Гулла, яшна она Ватан ва ҳақозалар

2. Гуруҳнинг ўз майдондаги кечки, эрталабки ва бошқа йиғинида:

Етакчи опа (ака) Бизнинг Нажмиддин Кубро номидаги гуруҳимиз кечги йиғинга тайёр.

Бизнинг шиоримиз: Оламда тинчлик.

ОРОМГОХНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ ВА ЁПИЛИШИ ҲАҚИДА

Оромгоҳнинг тантанали очилишига тайёргарлик 3-5 кун давом қилади. Барча гуруҳлар, гуруҳ хисоботларини, рапорт беришни, шиорларни танлайди ва ўрганадилар.

Сўнгра тантанали очилишига гуруҳ символикасини, атрибутларни танлайдилар (горнчи, барабанчи ёки доирачи, рубобчи) тайинланиб, гуруҳ маршини айтиб, енгил қадам ташлаб юришларни машқ қиладилар.

Оромгоҳнинг очилишига ҳар бир гуруҳ ўз кўшиқ, рақс, шеър, хор, мусиқа, дастурини тайёрлашади ёки спектакллардан парчалар, интермидеялар, сатира ва

юмористик асарлардан парчалар тайёрланади. Натижада оромгохнинг тантанали очилиши катта байрамга айланади. 1 - қисм тантанали қисм якунлангач катта байрам концерти яъни 2 - қисм ва спорт байрами 3 - қисмдан иборат бўлиши мумкин. оромгохнинг тантанали очилиши бошқача бўлиши ҳам мумкин. Қўшимчалар қўшилади. Бу шу жамоанинг ижодига мансуб масалалардир юқоридаги фикрлар баъзи бир таклиф ва мулохазалар холос.

ОРОМГОХ ЁШЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ ХАҚИДА БИР САХНА

Тантанали қисм турли курунишда булиши мумкин.

Масалан: II шаклидаги намунавий куруниш.

Гурухлар II шаклида номерга караб тантанали кадам ташлаб, мусика садолари остида етиб келиб жойлашишади.

Хар гурухнинг ўз кийиниш услуби бор. Олдинда гурух бошлиғи, унинг орқасида горнчи ва барабанчиси, сўнгра гурух аъзолари етиб келишади ва барча гурухлар жойлашиб бўлгач, тантанали хисобот беришлар бошланади, сўнгра, оромгох бойроғининг киришга команда берилади.

Мусика садолари остида байроқдор асиссентлар – 2 та, мусика садолари остида ўнг томонидан сафни айланиб, чап томонга келиб тўхташади. Ушбу садолар овозига сахнанинг олди қисмига меҳмонлар ҳам келиб турадилар. Команда остида оромгох байроғи кўтарилади. Барча иштарокчилар Ўзбекистон давлат мадхияси куйлайди. Сўнгра бош етакчи оромгох бошлиғига сўз беради. Оромгох бошлиғи меҳмонларга сўз беради ота - оналар вакиллари оромгохнинг тантанали очилиши билан табриклаб, оромгох байроғи олиб чиқиб кетилади ва гулхан атрофида ёки оромгох ёзги клубида катта концерт, сўнгра спорт мусобақалари бошланади. Худди шу кўрунишга ўхшаган оромгохнинг тантанали ёпилиши бўлиб ўтади.

ЭРТАЛАБКИ, КЕЧГИ ОРОМГОХ ЙИВИНИ

Эрталабки, кечкурунги оромгох йиғинида, эрталабки гурухлар рапорти тинглангач, оромгох байроғи кўтарилади. Ўзбекистон Давлат мадхияси жаранглайди. Сўнгра хар - хил топшириқлар берилади. Масалан: биринчи гурух оромгох навбатчиси, иккинчи гурух режасига асосан балиқ сайлига кетади. Учинчи гурух Хивада экскурсияда бўлиши айтилади.

Тўртинчи гурух гербарий теришга боради, бешинчи гурух кишлоқ тарихини ўрганади, олтинчи гурух заводдаги меҳнат илғорлари билан учрашув ўтказди дейлик.

Кечкурун ушбу ишларнинг хисоботи тингланади ва оромгох байроғи пастга туширилади. Кечкурунги дам олиш соатлари бошланади, сўнгра режим бўйича уйкуга тайёрланиш ва уйку.

ОРОМГОХНИНГ НАМУНАВИЙ КУН ТАРТИБИ:

1. Уйқудан уйғониш	7-30
2. Бадан тарбия	7-40-8-00
3. Ювиниш	8-00-8-20
4. Эрталабки йиғин	8-20-8-30
5. Эрталабги нонушта	8-30-9-20
6. Режадаги ишлар	9-20-13-00
7. Тушлик овқат	13-00-14-00
8. Кундизги хордиқ чиқариш	14-00-15-00
9. Пешинги нонушта	15-00-15-30
10. Режадаги ишлар	15-30-17-00
11. Тўгарак машғулотлари	17-00-18-00
12. Бўш вақт	18-00-18-45
13. Кечги йиғин	18-45-19-00
14. Кечги овқат	19-00-19-00
15. Кечки дам олиш тадбирлари	20-00-21-30
16. Кечки уйқу	22-00

ОРОМГОХЛАРДА ДИДАКТИК ВА ХАРАКАТЛИ УЙИНЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Маълумки, уйин бола хаётининг узвий қисмидир. Ўйин орқали бола ўсади, ўрганди, атроф-мухит билан, табиат ходисалари, манзаралари билан танишади, меҳнат, турмушдан бохабар бўлади. Ўйинлар болаларни жисмоний тўғри камол топтириш, ахлокий, эстетик руҳда тарбия топишини тезлаштиради.

Оромгохларда турли хил тадбирлар, кўрик ва мусобақалар, ўйинлар ўтказилади. Болаларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришда дидактик ва ҳаракатли ўйинлар, демак, катта роль ўйнар экан, махсус жойда ўйин анжомлари бўлади ва сақланади. Ҳаракатли ўйинларда кўпинча арқон, оддий резина копток, теннископтоги, ҳаво туплри ва х.клар ишлатилади.

Ўйинхонада шунингдек "Ўйинчоқлар ва оммавий ўйинлар ҳафталиги" турли хил онгни ўстирадиган, адабиёт ҳақида география, математика, ёш физиклар ўйинлари, бу ерда болалар ўзлари ўйинчоқлар яшаш, эски ўйинчоқларни янгилаш, қрассворлар тузишлари мумкин. Ўзбек халқининг ўзига мос урф - одатлари, ажойиб анъаналари бўлган. Ёшларнинг баркамол шаклланиши учун, халқимиз қадим-қадимдан жиддий эътибор бериб келган. Уша замонлардаёқ миллий ўйинлари кенг ривожланган бўлиб, Навруз сайларида, миллий - оммавий йиғинларида, бутун омма бу ўйинларни ўйнашган ва завқ олишган. Бу йиғинлар ёш авлоднинг бақувват ва сонлом улгайишида жқда кул келади. Куйида бир нечта намуналар келтираимиз.

1. КЕС-КЕС. Бу уйинда турт кадам катталигида доира чизилади. Доира марказида уйин боши туради доира четида эса барча уйинчилар туради. Улар доирани кесиб утиб диранинг нариги четиға чиқишға ҳаракат қиладилар. Ўйинбоши эса югуриб ўтувчиларға қўл теккизади. Қўл теккан ўйинчи ўйиндан чиқади. Доиранинг энг кўп кесиб ўтган ва теккизмаган ўйинчи ғолиб чиқади. Бу

ўйин ўқувчиларни чаққон бўлишига, тез югиришига ўргатади ва ўзига ишончни тарбиялайди.

2. Чаққонлар ва мерганлар. Ўйин учун баскетбол майдонидан фойдаланса бўлади. Ўйинчилар икки гуруҳга бўлинадиган ва жарима майдонидаги доира чизиқида турадилар. Икки гуруҳда биттадан энг чаққон ўйинчилар майдон марказидаги доира ўртасида туришади.

Ўйин учун латта коптокча ёки резина тўпча олинади. Ўйинни ким бошлаши аниқланиб, ўйинни бошлаб берган ўйинчилар доира ичидаги иккинчи ўйинчисини тўп билан урадилар.

Агар туп тегса, бу ўйинчи ураётган гуруҳ ўйинчиларнинг орқасига бориб туради. Агар гуруҳ ўйинчисига тўпни теггизса ўша иккинчи гуруҳ ўйинчиларига бориб қўшилади, кетган ўйинчининг ўрнига тўп отаётган гуруҳ ўйинчилари ўйинни давом қилдирадилар. Қайси ўйинчилар сони кам қолса, шу гуруҳ ютқазган бўлади.

3. ҚУШЛАР ПАРВОЗИ. (болалар) қанотларини ёзиб бутун майдон бўйлаб учиб юрадилар. "БЎРОН БОШЛАНАДИ" ДЕГАН ҚЎНҒИРОК БЕРИЛИШИ БИЛАН УЛАР ДАРАХТЛАРГА ЯШИРИНАДИЛАР. ёки бадантарбия деворчасига тирмашиб чиқадилар.

4. КАЪЛА ХИМОЯСИ ЎЙИНИ. Ўйинчилар 3-4 айлана сарфланади Хар бир боланинг орасидаги масофа бир метр. Уларнинг оёқлари олдида (бир - бирига боғлаб қуйилган хиёбон) чизиқ чизилади. Айлана марказига тайёкчалар ўрнатилади. Унда волейбол ёки баскетбол тўпидан фойдаланилади. Ўйин ўйинбоши қўнғироғи билан бошланади. Болалар тўпларни бир - бирларига ошира туриб пайт пойлаб, тўпни қалъага текизишга ҳаракат қиладилар. Химоячи эса қўл, оёқ гавдаси билан қалъани химоя қилади.

5. ХЎРОЗЛАР ЖАНГГИ. Ўйин оромгоҳ майдончасида ўтказилади. Ўйинни тайёрлаш: ерга диаметри 2 метрли айлана чизилади. Хамма ўйинчилар икки гуруҳга бўлинади, ва доира ёнида бир - бирларига юзма - юз икки қатор бўлиб турадилар. Хар бир гуруҳда биттадан ўйинбоши сайланади. Ўйинбошилар ўз гуруҳларидан биттадан ўйинчи ажратадилар ва улар айлана ичига кириб қўллари орқага қилиб бир оёқлаб турадилар.

Ўйин бошланишига дарак берилиши билан бир -бирларига елкалари гавдалари билан туртиб, итариб айланадан чиқаришга уринадилар. Ўз рақибини ташқарига чиқара олган ўйинчи ғолиб чиқади ва ўз гуруҳи учун баҳо ютган бўлади. Шундан кейин доира ўртасига гуруҳбошилар лозим топган "ХЎРОЗЛАР" жуфти киради.

Ўйин хамма болалар хўроз ролини бажариб бўлгунча давом этади.

Ўйинчилари кўп баҳо олган гуруҳ ютган ҳисобланади.

6. КИМ ЧАҚҚОНРОҚ. Ўйин оромгоҳ майдончасида ўтказилади. Ўйинда 20-30 нафар бола қатнашади. Хамма ўйновчилар тенг икки гуруҳга бўлиниб, 20-30 метр ораликда бир - бирларига юзма - юз турадилар. Хар бир гуруҳнинг ўнг қанотида бир оёқларини (ўнг ёки чап) тиззадан букиб боғлайдилар. Шундан кейин "бошладик!" деган буйруқ берилади. Ўйновчилар бир оёқда сакраб - сакраб қарши гуруҳга борадилар ва у ерда рўмолчани очиб ўз гуруҳлари ёнига югуриб келадилар.

Рўмолчани навбатдаги ўйинчига берадилар, хамма ўйинчилар мана шу ҳаракатни такрорлайдилар.

Энг охирги ўйинчиларнинг харакатлари бошқариб, рўмолчани етакчига берадилар. Рўмолчани биринчи бўлиб етакчига берган гуруҳ ютган ҳисобланади. Ўйинларни ўтказишда болаларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш тарбиячилардан катта маъсулият талаб этади. Ўйин қоидасини ва тартибини болаларга тўғри тушунтириб бериш ҳамда уларда харакат ёки образ тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қила олиш ўйиннинг мазмунини қизиқарли, уюшган ҳолда ўтишини таъминлайди. Бу ўйинлар болаларни ҳаётга тайёрлайди. Тавсия этилаётган миллий халқ ўйинлари учун жихозлар тайёрлашга ҳеч қандай маблағ талаб этилмайди, жихозларнинг асосий қисмини табиий буюмлардан ҳозирлаш мумкин.

